



ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ҳақбердиев П.С.¹, Ғойипова М.Э.²

¹Самарқанд давлат ветеринария,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети доценти,

²Самарқанд давлат ветеринария,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университетининг Тошкент

филиали доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6529177>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 01-may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 14- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Цестод, тениид,
онкосфера, тухум,
эхинококк, *Echinococcus*
granulosus larvae, *E.*
hominis, *E. veterinarum*,
E. accephalocystis,
Coenurus cerebralis,
Cysticercus tenuicollis
гельминтсизлантириш,
цестанли гранула
(хлорокись медь).

Республикамиз мустақилликка эришгач барча соҳалар қатори чорвачилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ 5696-сон «Ветеринария чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019

ANNOTATSIYA

Мақолада қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг ларваль цестодозлар билан зарарланиш даражасини Пастдарғом тумани “Ўрта Чархин”, “Шом булоқ”, “Болтали” қишлоқлари ва Чархин” кўрғончаси ҳамда Самарқанд шаҳар “Геофизика” ва “Боғибаланд” МФЙ ҳудудида ўрганиш натижалари келтирилган бўлиб, унда ҳайвонларни эхинококк билан зарарланиши ўрта ҳисобда 20,4%-ни ташкил этиб, Итларнинг тениидлар билан зарарланиши ўрта ҳисобда 21,1 фоизга тенг бўлган.

28 мартдаги ПҚ 4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»даги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ 4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бунга мисол бўла олади. Бироқ, чорва молларини бош сонини кўпайтиришда, чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, ёғ, тухум,) етиштиришда бошқа касалликлар қатори ҳайвонларнинг гельминтозлари, айниқса ларвалли цестодозлари (эхинококкоз, ценуроз ва



ингичка бўйинли цистицеркоз) касалликлари ҳам маълум даражада тўсқинлик қилаётир.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг эхинококкоз касаллиги Республика-мизнинг барча туман ва вилоятларида учрайди. Жумладан, Республика-мизда текширувдан ўтказилган қорамолларнинг ўртача 18,6 %, қўйларнинг 15-26 %, эчкиларнинг 12 %, туяларнинг 9 % эхинококкозга чалинганлиги аниқланган.

Эхинококкоз нафақат қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида, балким одамлар орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касаллик ҳисобланади. Мамишева Н.О. ва бошқаларнинг (2000 й.) маълумоти-га кўра Ўзбекистонда одамларни эхинококкозга чалиниши ҳар 100000 кишига 6-9 нафарни ташкил этмоқда. Самарқанд вилояти бўйича ҳар йили ўртача 350-360 киши эхинококкозга чалинганлиги аниқланиб, операция қилинмоқда.

Демак, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг эхинококкоз касаллиги кенг тарқалган, катта иқтисодий ва ижтимоий зарар келтираётган цестодоз касалликлари қаторига киради. Бу муаммонинг долзарб томони шундан иборатки, эхинококкоз касаллигини ҳанузгача даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган бўлиб, касалликга қарши курашишнинг бирдан-бир йўли бу профилактик тадбирлардир. Маълумки, эхинококкоз ва бошқа ларваль цестодозларини кенг тарқалишида асосий ўринни ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонлар эгаллайди.

Ҳозирда ит ва бошқа гўштхўр ҳайвонларни тениидларига қарши

гельминтсизлантиришда бир қанча антгельминтиклар тавсия этилганлигига қарамай гельминтсизлантириш тадбирлари жойларда режа асосида мунтазам равишда олиб борилмаяпти, жойларда сўйиш майдончаларини йўқлиги, сўйилаётган ҳайвонларни ветеринария санитария. экспертизаси ветеринария мутахассислари назоратидан четда қолиши, эхинококкоз билан зарарланган ички паренхиматоз органларни зарарсизлантирмасдан туриб қайта гўштхўр ҳайвонларга едириш каби омиллар эхинококкоз касаллигини тарқалишида асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Шуларни инобатга олиб бизлар ўз олдимизга қуйидаги ишларни бажаришни мақсад қилдик:

-ларвалли цестодоз (эхинококкоз, ценуроз, ингичка бўйинли цистицеркоз) касалликларини тарқалиш даражасини Республика-мизнинг аниқ бир туман ёки шаҳарида ўрганиб чиқиш;

-итларни тениидлар билан зарарланишини аниқлаш.

-тениидлар билан табиий зарарланган итларга цестанли гранулани синаб кўриш.

Материаллар ва методлар.

Тадқиқот ишларимиз Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳудудида жойлашган «Ўрта Чархин», «Шом булоқ», «Болтали», маҳаллалари ва «Чархин» шаҳарчаси ҳамда Самарқанд шаҳар «Боғибаланд» ва «Геофизика» маҳаллаларида олиб борилди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ларвалли цестодозлар билан зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида юқорида кўрсатиб ўтилган маҳалла ҳудудида сўйилаётган қорамол, қўй ва эчкиларнинг ички



паренхиматоз органлари ва каллалари текширувдан ўтказилди. Жами бўлиб 98 бош қорамол, 101 бош қўй ва 21 бош эчкиларнинг ички паренхиматоз органлари текширувдан ўтказилди. Текшириш жараёнида топилган паразитларнинг личинкали шакллари (пуфақларнинг) морфологик тузилишига аҳамият берилди.

Итларни тенийдлар билан зарарланишини аниқлаш мақсадида, уларнинг тезаклари гельминтоскопия (кетма-кет ювиш усули) ва гельминтооскопия (Фюллеборн

усули) усуллари билан текширувдан ўтказилди. Жами бўлиб 90 бош итларнинг тезаги текширувдан ўтказилди.

Натижалар ва уларнинг тахлили. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ларвалли цестод билан зарарланиш даражасини ўрганиш натижалари №1 жадвалда келтирилган.

Текширувдан ўтказилган 98 бош қорамоллардан 19 бошида (19,4%) эхинококк ва 7 бошида (17,35%) ингичка бўйинли цистицерк пуфақлари

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларни эхинококк билан зарарланиш

даражасини аниқлаш натижалари

Жадвал № 1.

Текширилган ҳайвон тури	Текширилган ҳайвонлар бош сони	Цестодларнинг личинкали шакли билан зарарланган моллар											
		Текширилган ҳайвоннинг бош сони	Бош	%	Шундан								
					Echinococcus granulosus larvae			Coenurus cerebralis		Cysticercus tenuicollis			
					Бош	%/%	шундан			Бош	%/%	Бош	%/%
			Бош	%/%	Ўпкада	Жигарда	Аралаш						
Қорамол	98	36	36,7	19	19,4	7	9	3	-	-	17	17,35	



Кўй	101	38	37,6	24	23,7	6	11	7	2	1,98	12	11,88
Эчки	21	11	52,38	2	9,8	1	1	-	-	-	9	42,86
Жами	220	85	38,64	45	20,4	14	21	10	2	0,91	38	17,28

топилди. Эхинококк пуфаклари билан зарарланган 19 бош қорамолларнинг 7 бошида эхинококк пуфаклари фақат ўпкасида, 9 бошида фақат жигарида ва қолган 3 бошида эса инвазиянинг аралаш шакли, яъни ҳам жигар ва ҳам ўпкаси зарарланганлиги қайд этилди. Инвазиянинг интенсивлиги 1 экз.дан 8 экз. гача бўлиб, топилган пуфакларнинг морфологик тузилишини ўрганганимизда, уларнинг 69,1 % и Echinococcus veterinorum, қолганлари эса ҳали унчалик ривожланмаган, яъни пуфакнинг ички герминатив қобиғида паразит сколекслари унчалик шаклланмаганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, текширувдан ўтказилган 98 бош қорамолларнинг 36 боши, ёки 36,7% цестод личинкалари билан зарарланганлиги аниқланди. Текширувдан ўтказилган 101 бош кўйларнинг 24 бошида (23,7%) эхинококк, 2 бошида (1,98%) ценур ва 12 бошида (11,88%) ингичка бўйинли цистицерк пуфаклари топилди, яъни 101 бош кўйларнинг 38 бошида (37,6%) цестодларнинг личинкали шакллари (пуфаклари) топилди.

Зарарланган 24 бош кўйларнинг 5 бошида эхинококк пуфаклари фақат ўпкасида, 13 бошида эса жигарида

топилган бўлса, қолган 6 бош кўйлар инвазиянинг аралаш шакли билан зарарланганлиги аниқланди. Инвазиянинг интенсивлиги 3 экз.дан 11 экз.гача бўлиб, топилган пуфакларнинг диаметри

1 см дан то 9,1 см.гача, пуфакларнинг 65,4 % Echinococcus veterinorum, 24,7 % Echinococcus hominis ва қолган 10,9 % эса Echinococcus acephalostyticus пуфаклари эканлиги аниқланди.

Текширувдан ўтказилган 21 бош эчкиларнинг 2 бошида (9,8%) эхинококк пуфаклари ва 11 бошида (52,4%) ингичка бўйинли цистицерк пуфаклари топилди. Инвазиянинг интенсивлиги эхинококклар бўйича 1-2 экз.га тенг бўлган бўлса, цистицерк пуфакларининг интенсивлик даражаси 2 -5 экз. ташкил қилди. Шундай қилиб, текширувдан ўтказилган 220 бош ҳайвонларнинг

45 бошида (20,4%) эхинококк пуфаклари, 2 бошида (0,91%) ценур ва 42 бошида (19,09%) цистицерк пуфаклари топилди. Текширувдан ўтказилган ҳайвонларнинг цестодлар билан зарарланиши ўрта ҳисобда 40,4 фоизни ташкил этган ҳолда етакчи ўрин эхинококк пуфакларига (20,4%) тўғри келади. Итларни тениидлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш



натижалари

№2 жадвалда келтирилган.

Итларнинг тениидлар билан зарарланишини аниқлаш бўйича

ўтказилган тадқиқотлар натижаси

2-жадвал

Тадқиқот ўтказилган жой	Текширилган итлар сони	Шундан		Зарарланган итлар сони	
		Кетма-кет ювиш усули	Фюллеборн усули	Сони	Фоизи
Ўрта чархин	10	5	5	2	20,0
Шом булоқ	10	5	5	3	30,0
Болтали	11	6	5	3	27,3
Чархин	15	9	6	3	20,0
Геофизика	21	7	14	4	19,0
Боғибаланд	23	8	15	4	17,4
Жами:	90	40	50	19	21,1

Жами бўлиб 90 бош итларнинг ахлати текширувдан ўтказилганда 19 бошида тениидларнинг тухумлари (онкосфераси) топилди. яъни зарарланиш даражаси 21,1 % га тенг бўлди. Пастдаргом тумани 4-та маҳалласи («Ўрта чархин», «Шом булоқ», «Болтали» ва «Чархин») ҳудудида яшовчи аҳолининг 11 боши (23,9%) ва Самарқанд шаҳар «Боғибаланд» ва «Геофизика» маҳаллаларида яшовчи аҳолининг 8 бош (18,2%) шахсий итлари (тениидлар билан зарарланган итлар) цестанли

гранула билан гельминт-сизлантирилди. Бир ҳафта ўтказ эса улар яна ареколин препарати билан қайта гельминтсизлантирилди ва ахлати текширувдан ўтказганимизда тениид тухумлари (онкосфераси) ёки етилган бўғинлари топилмади.

Демак, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ларвал цестодозлари (эхинококкоз, ценуроз ва ингичка бўйинли цистицеркоз) Республикамизда кенг тарқалган ва халқ хўжалигида катта иқтисодий зарар етказиб келаётган гельминтоз



касалликлари қаторига кириши яна бир маротаба ўз исботини топди.

Бизларнинг текширувларимизда эхинококкознинг тарқалиши қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида ўртача 20,4 фоизни ташкил қилди. Худди шунга ўхшаш натижаларни Қудратов С. (2009й) Қашқадарё вилоятида Ҳақбердиев П.С. ва бошқалар (2009й) Жиззах вилоятида ҳам, Ахмедова С, Ҳақбердиев П.С. (2017 й.) Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ва Самарқанд шаҳрида ҳам қайд этганлар, яъни Республикамизда охириги йилларда эхинококкозни тарқалиш даражаси бир меъёрда сақланиб келмоқда.

Итларнинг тениидлар билан зарарланиши ҳам юқори кўрсаткич атрофида сақланиб қолиши қайд этилди. Бизнинг тадқиқотларимизда итларнинг тениидлар билан зарарланиши Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани 4-та маҳалласи («Ўрта чархин», «Шом булоқ», «Болтали» ва «Чархин») худудида яшовчи аҳолининг 46 бош текширувдан ўтказилган итлардан 11 бошида, ёки 23,9%-и, Самарқанд шаҳар

«Боғибаланд» ва «Геофизика» маҳаллаларида яшовчи аҳолининг 8 боши (18,2%) тениидлар билан зарарланганлиги аниқланди, худди шунга яқин кўрсаткичларни Республикамизнинг бошқа худудларида Аминжонов М.А., Турсунов А, Ҳақбердиев П.С.(2007), Қудратов С (2009), Ахмедова С., Ҳақбердиев П.С.лар ҳам аниқланганлар.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик

-Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ларвал цестод касалликлари орасида эхинококкоз етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

-Итларнинг тениидоз касалликлари ҳам кенг тарқалган инвазион касалликларидан бири ҳисобланади.Текширувдан ўтказилган итларнинг 90 бош иларнинг 19 бошида тениид онкосфераси топилди, яъни зарарланиш даражаси 21,1% ташкил этди.

-Тениидлар билан табиий зарарланган итларга цестанли гранула (хлорокисли мис) фоизлик самара кўрсатди

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Аминжонов Ш.М., Аминжонов М.А. “Эхинококкознинг иқтисодий ва ижтимоий зарари” Ж.”Зооветеринария” № 7, 2009 йил 23 бкт.
2. Иргашев И.Х. ва бошқалар “Эхинококкоз ўта хавфли касаллик, унга қарши курашинг” Ж.”Ветеринария”., № 3 2000 йил 3-6 бетлар.
3. Мамышева Н.О., и др. “Проблемы эхинококкоза”, Журнал “Ветеринария”, № 2000 год, стр.7-8.
4. Ҳақбердиев П.С., Хўжабеков М.Т. “Эхинококкоз ўта хавфли касаллик, унга қарши курашинг фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари., 2-қисм, Самарқанд, 2009 йил, 97 бет.



5. Ҳақбердиев П.С. ва бошқалар//“Ҳайвонларнинг ларваль цестодозлари ва уларга қарши кураш тадбирлари”/ Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни”, Республика илмий-амалий конференцияси” илмий мақолалар тўплами, 2-қисм, Самарқанд, 2009 йил, 77 бет.
6. Ахмедова С.С., Ҳақбердиев П.С. Ҳайвонларнинг ларвалли цестодозлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари// Журнал “Ветеринария тиббиёти”, № 10, 2017 йил, 17-17 бетлар.
7. Ҳақбердиев П.С., Турсунқулов А.Р.Ҳайвонларнинг ларваль цестодоз-лари ва уларнинг олдини олиш чора тадбирлари /Журнал Ветеринария медицинаси, № 8., 2020йил,21-236.
8. Ҳақбердиев П.С., Турсунқулов А.Р., Хушназаров А.Х./Ҳайвонларнинг ларваль цестодозлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари./ ”Чўл яйлов чорвачилигининг ривожланиш истиқболлари”. /Қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИнинг 90-йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами/Самарқанд, 10-11 декабрь 2020 йил, 332-337 бетлар.